

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Ғ.Негматовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари З.Низомов ва С.Ашуровлардан иборат ҳайъат таркибида, П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримкулов, судланувчи Ф.Хўжамуродов ва унинг ҳимоячилари-адвокат К.Солиев ва И.Хайдаров, судланувчи Ш.Ашурбоев ва унинг ҳимоячиси-адвокат К.Жўраевларнинг иштирокида, Хўжамуродов Феруз Норимович ва Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғлиларга нисбатан бўлган 1-1416-2501/93-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хўжамуродов Феруз Норимович (Хо‘jamurodov Feruz Norimovich), 1986 йил 2 август куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туманидаги 71-сонли мактаб директори лавозимида ишлаган, муқаддам: 13.10.2023 йилда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 25,168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 2 йил 2 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 3 ойни ташкил этади, Ургут тумани “Муродқишлоқ” маҳалласида яшаган, 2024 йил 28 ноябрь кунидан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 24 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан,

Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғли (Ashurboev Shahriyor Oblaqul o‘g‘li), 1999 йил 5 май куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам 09.08.2023 йилда жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 10 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, 28.02.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди томонидан ўталмай қолган 6 ой 18 кун жазодан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, оилалик, Ургут тумани “Муродқишлоқ” маҳалласида яшаган, 2024 йил 28 ноябрь кунидан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 14 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хўжамуродов Феруз Норимович 2024 йил август ойининг бошларида Ургут тумани “Муродқишлоқ” маҳалласида яшовчи маҳалладоши Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғли билан билан кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини Самарқанд вилояти ҳудудида сотиб ўтказиш мақсадида олдиндан жиноий тил бириктириб, жиноий режа тузган ҳолда, ушбу жиноий режага мувофиқ, Ш.Ашурбоев терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан 1,0 кг. “опий” гиёҳвандлик воситасини 12.000 АҚШ доллари пулини



сотганидан сўнг бериш шarti билан олгач, 2024 йил 27 ноябрь куни Ургут тумани “Навоийшоҳ” кўчаси ҳудудида Ш.Ашурбоев билан учрашиб, ундан гиёҳвандлик моддасини қабул қилиб олиб, биргаликда Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тезкор тадбирга жалб қилинган “шартли харидор”га қора рангли целофан бўлағида бўлган 1 (бир) кг. кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик моддасини 12.000 АҚШ долларига сотмоқчи бўлган вақтларида ушланишиб, улардан бир дона қора рангли целлофан пакетга ўралган “опий” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинганлиги натижасида ўзлари боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини қонунга ҳилоф равишда сотишга қаратилган жиноий ҳаракатларини охирига етказа олишмасдан, суиқасд қилишган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 27 ноябрь кунги 1094-сонли хулосасида, фуқаро Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлардан аниқланиб олинган модда “опий” гиёҳвандлик воситаси бўлиб, унинг соф оғирлиги 921,36 граммни ташкил қилиши кўрсатилган.

Судланувчи Хўжамуродов Феруз Норимович суд мажлисида, қўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб, 2019 йил ноябрь ойидан 2024 йил ноябрь ойига қадар Ургут туманидаги 71-сонли мактаб директори лавозимида ишлаганлиги, 2024 йил июль ойда ишлари билан Ургут туман ММТБга борган вақтида, шу ерда ишловчи бир шахс унга танишига гиёҳвандлик моддаси топиб беришни илтимос қилганида у сўриштириб кўришлигини айтганлиги, шундан сўнг 2024 йил август ойида маҳалладоши Ашурбоев Шаҳриёрни учратиб қолиб, ундан “опий” гиёҳвандлик моддаси топиб беришни илтимос қилганида Ш.Ашурбоев рози бўлганлиги, 2024 йил 27 ноябрь куни соат 11-12ларда ўз ишлари билан Ургут тумани “Ўўс” қишлоғи ҳудудида бўлган вақтида Ш.Ашурбоев кўнғироқ қилиб, ундан қаерда эканлигини сўраганда, унга Ургут тумани “Ўўс” қишлоғи ҳудудида эканлигини айтгач, улар учрашишганлиги, Ш.Ашурбоев унга “опий” гиёҳвандлик моддаси топганлиги тўғрисида айтиб, наъмуна сифатида олиб келган тахминан 1 грамм гиёҳвандлик моддасини бергач, у Ш.Ашурбоевга Ургут тумани марказида учрашишни айтганлиги, шу куни соат 16:00ларда Ургут тумани ММТБдан ўз ишларни тугатиб, паркни ёнида Ш.Ашурбоев билан учрашганлиги, Ш.Ашурбоев 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддасини олиб келганлигини, нархи 12.000 АҚШ доллари бўлишлигини айтиб, унга гиёҳвандлик моддасини кўрсатиб, ўзи бошқариб келган “Дамас” русумли автомашина ўриндиғи остига яшириб қўйганлиги, шундан сўнг у ММТБда ишловчи таниши унга таништириб қўйган харидорга кўнғироқ қилиб, унга 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддаси борлигини, нархи 12.000 АҚШ доллари эканлигини, Ургут тумани ММТБ яқинидаги паркни олдида эканлигини айтганлиги, харидор 1 кг. гиёҳвандлик моддасини 12.000 АҚШ долларига сотиб олишга рози бўлиб, биров вақтдан сўнг “Каптив” русумли автомашинада паркни олдида келгач, Ш.Ашурбоев автомашинасида турган, қора рангли целофанга ўралган ҳолдаги 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддасини берганидан сўнг у Ш.Ашурбоев билан биргаликда харидор ўтирган “Каптив” русумли автомашинани олдида келишиб, гиёҳвандлик моддасини автомашинани орқа ўриндиғига қўйиб, сўнгра Ш.Ашурбоев билан биргаликда автомашина салонига ўтиришмоқчи бўлганида, ёнларига етиб келган шахслар ўзларини ДХХ ходимлари эканлигини айтиб, текор тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилишганлиги ҳамда гиёҳвандлик моддасини олиб, хужжатлаштиришганлиги, ҳақиқатдан ҳам унга 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддасини маҳалладоши Ш.Ашурбоев топиб берганлиги, у Ш.Ашурбоев гиёҳвандлик моддасини кимдан олганлигини билмаслиги, Ш.Ашурбоев гиёҳвандлик моддасининг баҳоси 12.000 АҚШ доллари дегач харидорга бу ҳақида айтганлиги, ўзини манфаатдорлик жойи бўлмаганлиги, фақатгина ММТБда ишловчи танишининг илтимосига асосан топиб берганлиги, бироқ гиёҳвандлик моддасини харидорга сотиш вақтида гиёҳвандлик моддаси учун бир сўм ҳам пул олишмаганлиги, тадбирда 12.000 АҚШ долларини кўрмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғли суд мажлисида, қўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб, 2016 йилдан буён Ургут тумани ҳудудида фуқароларнинг уйларида артезан кудук қазиш билан шуғулланиб келишлиги, 2024 йил август ойида маҳалладоши Ф.Хўжамуродов билан учрашиб қолган вақтида, Ф.Хўжамуродов унга кўп одамларни уйида таганлиги, таниши кўплиги, шу сабабли суриштириб унга 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддаси топиб беришни илтимос қилгани у рози бўлганлиги, шундан сўнг у Ургут тумани “Ўминобод” маҳалласида яшовчи “Меҳрож” исмли шахс билан сўхбатлашиб қолган вақтида



у “Меҳрож” исмли шахсдан “опий” гиёҳвандлик моддаси топиб беришни сўраганида “Меҳрож” исмли шахс унга ҳозирда гиёҳвандлик моддасини топиш қийинлашиб қолганлигини айтганлиги, бу орада Ф.Хўжамуродов ундан бер неча маротаба гиёҳвандлик моддасини сўраганлиги, 2024 йил 26 ноябрь куни “Меҳрож” исмли шахс унга қўнғироқ қилиб, 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддаси топганлиги, нархи 12.000 АҚШ доллари бўлишлигини айтганлиги, шу куни у Ф.Хўжамуродов билан учраша олмагач, эртаси куни, яъни 2024 йил 27 ноябрь куни “Меҳрож” исмли шахснинг телефонида Ф.Хўжамуродовга қўнғироқ қилганида Ф.Хўжамуродов Ургут тумани “Ўғс” қишлоғи ҳудудида эканлигини айтгач, у “Меҳрож” исмли шахсдан тахминан 1 грамм гиёҳвандлик моддасини наъмуна учун олиб, Ургут тумани “Ўғс” қишлоғига бориб, Ф.Хўжамуродов билан учрашиб, унга наъмуна учун олиб келган гиёҳвандлик моддасини бериб, 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддаси топганлигини, сотувчи баҳоси 12.000 АҚШ доллари деб айтаётганлигини, шунда Ф.Хўжамуродов наъмуна унга маъқул келганлигини, гиёҳвандлик моддасини Ургут тумани марказига олиб борса ўша ерда харидорга сотиб, пулини олиб беришлигини айтганлиги, шундан сўнг у “Меҳрож” исмли шахсга қўнғироқ қилиб, 1 кг. гиёҳвандлик моддасини Ургут тумани марказига олиб бориш кераклигини айтганида, “Меҳрож” исмли шахс гиёҳвандлик моддасини ўзи олиб бориб беришлигини айтганлиги, тахминан бир соатдан сўнг “Меҳрож” исмли шахс унга қўнғироқ қилгач улар Ургут тумани марказидаги паркни олдида учрашишганлиги, шундан сўнг у “Меҳрож” исмли шахснинг телефон аппаратида Ф.Хўжамуродовга қўнғироқ қилиб, уни қаерда эканлигини сўраганида Ф.Хўжамуродов Ургут тумани ММТБ биноси олдида эканлигини, шу ерда учрашишни айтганлиги, у “Меҳрож” исмли шахс билан ММТБ биносида олдида келишгач, “Меҳрож” исмли шахс ўзи билан олиб келган, қора рангли целлофанда бўлган гиёҳвандлик моддасини шу ердаги ўриндикнинг остига қўйиб, уни Ф.Хўжамуродов таниб қолмаслиги учун у ердан кетиб қолганлиги, бироз вақтдан сўнг ММТБ биносидан Ф.Хўжамуродов чиқиб келиб, ундан гиёҳвандлик моддасини сўраганида у ўриндикнинг остида эканлигини айтиб, гиёҳвандлик моддасини кўрсатганлиги, Ф.Хўжамуродов харидор келаётганлигини айтиб, унга гиёҳвандлик моддасини олиб юришини айтганида у гиёҳвандлик моддасини олиб бормаслигини айтгач, Ф.Хўжамуродов гиёҳвандлик моддасини ўриндикнинг тагидан олиб, эгнидаги кийимлари орасига яшириб, оқ рангли “Каптива” русумли машинасини кўрсатиб ва харидор келганлигини айтиб, бирга юришни таклиф қилгач, у Ф.Хўжамуродовнинг ортидан автомашина томон бораётганида, автомашинага етмасдан бир неча шахслар келиб, ўзларини ДХХ ходимлари эканлигини айтишиб ушлашганлиги, шундан сўнг ДХХ ходимлари Ф.Хўжамуродовдан 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддасини ҳужжатлаштириб олишганлиги, гиёҳвандлик моддасини “Меҳрож” исмли шахсдан Ф.Хўжамуродовнинг илтимосига асосан олиб беришда иштирок этганлиги, гиёҳвандлик моддаси учун бирон бир шахсдан пул олмаганлиги ҳамда “Меҳрож” исмли шахсга гиёҳвандлик моддаси учун пул бермаганлиги, Ф.Хўжамуродов гиёҳвандлик моддасини пулини харидорга сотганидан сўнг харидордан олиб беришини айтганлиги, Ф.Хўжамуродов турмуш ўртоғини ишга қабул қилишлигини айтганлиги учун уни илтимосига рози бўлиб, унга гиёҳвандлик моддасини топиб берганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Суюнов Ислонбек Нуриддин ўғли ўз кўрсатувида, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси “Контрабандага қарши курашиш” бўлимида муҳим ишлар бўйича катта тезкор ходим лавозимида ишлаб келишлиги, хизмат вазифаларига контрабандага қарши курашиш, ноқонуний товарларнинг чегарадан ўтилишини олдини олиш ва бошқалар киришлиги, 2024 йил 27 ноябрь куни ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси тезкор бўлими ходимлари билан биргаликда Ургут тумани “Навоийшоҳ” кўчасида “Гиёҳвандликка қарши курашиш тадбири”ни амалга ошираётган вақтда “Навоийшоҳ” кўчасида жойлашган Ургут тумани ММТБ автотураргоҳида фуқаролар Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлар ўзларини шубҳали тарзда тутганлиги сабабли, улар тўхтатилиб, уларни қўлидаги қора пакет тегишли тартибда кўздан кечирилганда, бир дона қора целлофан пакетга ўралган ўткир хидли тўқ жигар рангли “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш бўлган моддалар борлиги аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштириб олиш мақсадида, воқеа жойига ўша атрофда ўз шахсий ишлари билан юрган икки нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари холис сифатида иштирок этиш учун жалб қилинганлиги, дастлаб



ушбу холисларга ЖПКнинг 74-моддасида белгиланган ҳуқуқ-мажбуриятлари тушунтириб ўтилиб, сўнг уларга ҳолат тўғрисида қисқача тушунтириш берилганлиги, шундан сўнг, икки нафар холислар ва Ф.Хўжамуродов ҳамда Ш.Ашурбоевлар иштирокида қора рангли целофан пакет қайтадан кўздан кечириб чиқилганида, қора целофан пакетга ўралган ўткир хидли тўқ жигар рангли “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш бўлган моддадан бошқа ноқонуний ашё-буюмлар борлиги аниқланмаганлиги, сўнгга Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлардан ушбу моддлар кимга тегишли эканлиги сўралганда, улар бир дона қора целофан пакетга ўралган ўткир хидли тўқ жигар рангли “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш бўлган моддалар уларнинг иккаласига тегишли эканлигини айтганлиги, аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатини воқеа жойида расмийлаштиришнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, расмийлаштириш ҳолати ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси Тергов бўлимида амалга оширилганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Исматов Сардор Фазлитдин ўғли ўз кўрсатувида, 2024 йил 27 ноябрь куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг таклифига асосан ўтказилаётган тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этиш учун Ургут тумани “Навоийшоҳ” кўчасида жойлашган Ургут тумани “Мактабгача ва мактаб таълими” бўлими автотураргоҳига боришганлиги, ҳолат бўйича унга маълум бўлишича, 2024 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ДХХ ва Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда “гиёҳвандлик воситаларининг айланмасига қарши кураш йўналиши бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар давомида, фуқаролар Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлар кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадида келган вақтида ушлашганлиги, ДХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан Ф.Хўжамуродовга тегишли бўлган қўлидаги қора рангли целофан пакет кўздан кечирилганида, ушбу қора рангли целофан пакет скотч билан ўралганлиги сабабли пичоқ билан очиб кўрилганда, ичидан Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевларга тегишли бўлган тўқ жигар рангли ўткир хидли “опий” гиёҳвандлик воситасига ўхшаш бўлган модда борлиги аниқланиб, экспертиза орқали текшириб кўрилиши учун алоҳида пакетга муҳрланганлиги, ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тегишли тартибда баённома расмийлаштирилиб иштирокчилар томонидан имзоланганлиги, ДХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Ф.Хўжамуродовдан гиёҳвандлик моддасини нима мақсадда ташиб юрганлигини сўрашганида, у сотиш учун ташиб келишганлигини айтганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Раҳмонов Нурали Илхом ўғли гувоҳ Исматов Сардор Фазлитдин ўғлининг кўрсатувини тасдиқлаб кўрсатув берди.

Суд хайъати, судланувчи Ф.Хўжамуродов ва Т.Худойқуловларнинг айби, суд мажлисида уларнинг ўзларининг кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, суд мажлисида сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари, билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва аниқланган ашёни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, шахсий тинтув баённомаси, судга оид кимёвий экспертизанинг 1094 сонли хулосаси, амбулатор суд-наркологик экспертизанинг 767 ва 768-сонли далолатномалари, пушаймонлик хатлари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, кўздан кечириш баённомаси ва бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд хайъати, судланувчи Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевларга нисбатан тергов органи томонидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда сотган деб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан нотўғри айблов эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 21-бандида “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим” деб раҳбарий

тунтириш берилган бўлиб;

Мазкур Пленум Қарорининг 25-бандида “Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи,



бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадокланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25–моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273–моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак” деб судларга кўрсатма бериб ўтилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлар олдиндан жиноий тил бириктириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тезкор тадбирга жалб қилинган “шартли харидор”га 1 кг. “опий” гиёҳвандлик моддасини 12.000 АҚШ доллариға сотишга келишиб, 2024 йил 27 ноябрь куни тезкор тадбирга жалб қилинган “шартли харидор”га 1 кг. кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик моддасини Ургут тумани “Навоий шох” кўчасида жойлашган паркни олдида “шартли харидор”га сотиш мақсадида, шартли харидор”ни автомашинасига минишган вақтида, гиёҳвандлик моддасини савдоси тўлиқ амалга ошмасдан, пул ҳамда гиёҳвандлик моддаси сотувчи ва харидор ўртасида олди-бердиси тўлиқ амалга ошмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевлардан гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил тариқасида хужжатлаштирилиб олинганлиги натижасида улар томонидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини қонунга ҳилоф равишда сотишга қаратилган жиноий қилмиш ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмасдан қолинган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гиёҳвандлик моддасини сотиб олиш учун “шартли харидор”га пул маблағи ҳам берилмаган.

Суд ҳайъати, шу сабабли судланувчи Ф.Хўжамуродов ва Ш.Ашурбоевларнинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмига қайта квалификация қилишни ҳамда ҳукмнинг қарор қисмида такрор кўрсатиб ўтмасликни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи Ф.Хўжамуродовнинг ҳаракатларида айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ф.Хўжамуродовга жазо тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини, оилавий шароитини инобатга олиш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори раҳбарий тушунтиришларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб,** қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, уни оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини алоҳида эътиборга олиб, ушбуларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 13.10.2023 йилдаги ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 25,168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари



билан тайинланиб, амалда ўталмай қолган 1 йил 3 ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан қисман қўшиб, жазо миқдорини белгилашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича, ўзгаришсиз қолдиришни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ш.Ашурбоевнинг ҳаракатларида айбига икромлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ш.Ашурбоевга жазо тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, гиёҳвандлик воситасини тури ва миқдорини, оилавий шароитини инобатга олиш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори раҳбарий тушунтиришларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принцигига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, уни оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини алоҳида эътиборга олиб, ушбуларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, айбли деб топилган ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топади.**

Суд ҳайъати, жиноят иши бўйича ашъвий далил тариқасида олинган, экспертиза тадқиқотларидан сўнг қолган ҳамда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси АДСХда сақланаётган 920,96 грамм “опий” гиёҳвандлик моддасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Суд ҳайъати, ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси ТБнинг АДСХда сақланаётган, судланувчи Ф.Хўжамуродовга тегишли бўлган, баҳоси 2.387.737 сўмлик “Honor X9b” ва Ш.Ашурбоевга тегишли бўлган, баҳоси 1.100.000 сўмлик “Honor X8” русумли телефон аппаратларини ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказишни белгилашни лозим топади.

Суд ҳайъати, шунингдек жиноят иши бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган дискларни иш ҳужжатларига қўшилганлигини эътироф этиб, иш ҳужжатлар билан бирга сақлаш учун қолдиришни ҳамда ҳукмнинг қарор қисмида тақрор кўрсатиб ўтмаслигини лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 4973 -4973, 499-500 моддаларини қўллаб,

Х У К М Қ И Л Д И:

Хўжамуродов Феруз Норимович (Xo‘jamurodov Feruz Norimovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хўжамуродов Феруз Норимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан муддати 10 (ўн) йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан муқаддам жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 13.10.2023 йилдаги ҳукми билан тайинланиб, амалда ўталмай қолган 1 (бир) йил 3 (уч) ой аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган жазога тенглаштирилиб, қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун муддати 10 (ўн) йил 2 (икки) ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ҳамда жазони ўташ муддати 2024 йил 28 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Хўжамуродов Феруз Норимовичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қолдирилсин.

Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғли (Ashurboev Shahriyor Oblaqul o‘g‘li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан муддати 11 (ўн бир) йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин ҳамда жазони ўташ муддати 2024 йил 28 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ашурбоев Шаҳриёр Облақул ўғлига нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган, экспертиза тадқиқотларидан сўнг қолган ҳамда ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси АДСХда сақланаётган 920,96 грамм “опий” гиёҳвандлик моддаси ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил, ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси ТБнинг АДСХда сақланаётган, судланувчи Ф.Хўжамуродовга тегишли бўлган, баҳоси 2.387.737 сўмлик “Honor X9b” ва Ш.Ашурбоевга тегишли бўлган, баҳоси 1.100.000 сўмлик “Honor X8” русумли телефон аппаратлари ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

имзо

Ғ.Негматов

Халқ маслаҳатчилари:

имзо

З.Низомов

имзо

С.Ашуров

“Нусхаси аслига тўғри”

